



ТАРЖИМА ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШДА ТАРЖИМА МОДЕЛЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ СИФАТИДА

*Турдиева Нилуфар,
СамДЧТИ ф.ф.н., катта ўқитувчи*

Калит сўзлар. Модель, тил модели, таржима модели, ситуатив модель, трансформацион модель, семантик модель, вазиятли-денотатив модель, трансформация, реал воқелик, вазият.

Таржима жараёнини моделлаштиришнинг назарий асосини модель феноменидан излаб кўриш лозим. “Модель (фр. modèle атамаси лот. Modus – нусха, намуна) маълум бир объект ёки объектлар тизимининг шартли изоҳи, шаклидир (тасвир, чизма, таъриф, баён). Объектлар ва объектлар ҳақидаги инсон билимларининг муносабатларини баён этиш учун хизмат қиласи”.

Моделлаштириш гносеологик тушунча бўлиб, идрок жараёнининг мұхим йўлларидан биридир. Моделлаштирилаётган тизимнинг мураккаблиги натитижасида изоҳланадаётган жиҳатларнинг тушунтирилиши қийинчилликни туғдиради. Тилшуносликда моделлаштириш интерпретация атамаси билан талқин қилиниб, изоҳланадаётган объектнинг муносабатлари ва алоқаларини очиб беришга йўналтирилгандир.

Лингвистик моделлаштириш биринчи марта 1944 йилда З.Харрис томонидан қўлланилган, кейинчалик В.Ингве “тил модели” тушунчасини тилшуносликка олиб кирди; замонавий талқинда “тил модели” тушунчаси Н.Хомский ва Ч.Хоккетнинг тадқиқотларида қўлланилган бўлиб расмий тизим тушунчасини билдиради. Бундан ташқари моделлаштиришни А.Ф.Лосев, И.И.Ревзина, И.А. Мельчуқ, А.А.Леонтьев, Ю.Д.Апресян, А.А. Залевская каби олимларнинг тадқиқотларида учратамиз.

“Лингвистик энциклопедик лугат” қўйидаги таърифни келтиради – модель чизмасини яратиш – нафакат лисоний воқеа ва ҳодисаларнинг акси, балки тил ҳақидаги ҳақиқий билимларнинг объектив амалий даражасидир. Тил назарияси ривожланишининг ҳозирги босқичида

модель таҳлил қилинаётган обьектларнинг назарий идрок қилинишининг юқори босқичи ҳисобланади. Кейинги босқич мавжуд моделларнинг ўзгартириш учун ишлаб чиқилган системалар бўлиши мумкин.

Лингвистик модель мақсади нафакат тизим ва жараёnlарни тушунтиришдан иборат, балки, асосий урғу аниқлаштирилган қонуниятлар асосида янги маълумотларни рўёбга чиқаришдир. Ҳозирги даврда инсоннинг когнитив фаолияти билан узвий боғланган тил жараёnlарининг ўрганилиши жадаллашиб кетмоқда, шу боис тил моделлари билан бир қаторда когнитив-лисоний ва когнитив моделлар ҳам шаклланиб келмоқда. Таржима жараёни моделларини когнитив-лисоний моделлар тоифасига киритишмиз мумкин, чунки ушбу моделлар ўз ичига таржимавий жараёnlарни ҳам камраб олади.

Моделлаштиришда бошланғич ҳолат сифатида таржимавий макон ҳақидаги тушунча хизмат қиласи – яъни, таржимавий макон оригинал матн атрофида шаклланади ва кейинчалик таржима қилинаётган тилга маъновий кўчирилади. Таржимавий маконни мувозанатлаштирилган механизм, бир маданият матнини иккинчи маданият матнiga мазмун жиҳатидан ўтказиладиган синхронлаштирилган тизим каби тасаввур қилиб, ушбу жараёнда таржимавий қонуниятлар ўз аксини топишини тушунамиз. Таҳлил қилинаётган тилларнинг ўзаро муносабати аниқ бир матн асосида талқин қилинади ва ўзида таржима тизимини акс эттиради.

Асосий эътиборни таржима жараёнини ўрганишда яратилган назарий



нүктаи назардан моделлаштиришнинг принциплари, характеристикаси ва ёндашувларига қаратиш лозим. Ҳозирги даврда, таржима назариясида таржима моделлари турлари тадқиқотлари ҳали охирига етишмаган, шу боис ушбу феноменнинг ўганилиши қўп омилларга боғлиқлиги муҳимдир, ва ушбу омилларнинг турли-туманлигига таяниб таржиманинг тадқиқотчилар томонидан янгидан-янги моделлари яратилмоқда.

Ушбу мақоламиз доирасида эътиборимизни ўзига таржима жараёни механизмини моделлаштириш ва бу муаммо таржима назариясида қай даражада ўз ечимини топгани тортди. Эътиборимиз марказида таржима назарияси ва амалиётида моделнинг асосий концептуал компонент сифатидаги аспектлари бўлади.

Таржимани моделлаштиришнинг қамровли асосини В.Н.Комиссаров тақиқотларида учратамиз. В.Н.Комиссаров таржима жараёнларини моделлаштиришнинг муҳимлигига урғу бериб, бу йўналиш келгусида ушбу моделларнинг илмий тадқики янги методологияларга асос бўлишини таъкидлайди.


В.Н.Комиссаров таржима модели тушунчасини қўйидагича изоҳлайди: “Таржима модели – таржима жараёнининг шартли тасвири бўлиб, тилшунослик ва психологиянинг умумий фаразларини таржимага сингдириш ҳаракатига асослангандир. Модель гипотетик характерга эгадир, яъни, бизга маълумки, таржимон онгига юз берётган жараённи кузатиш имкониятига эга эмасмиз ва таржимон айнан таржиманинг у ёки бу модели таржима жараёнини тасвиrlаганидек юз беради деган ишонч йўқ”.

Ҳар қандай таржима моделининг ҳаққонийлиги оригинал ва таржима матнларининг қиёсий таҳлили оркали текшириллади. В.Н.Комиссаров таржима моделларининг асосий турларига қисқа изоҳ беради: ситуатив, трансформацион, семантик.

Таржиманинг ситуатив модели ҳар қандай вазият ҳар қандай тил воситалари билан тасвириланади деган тушунчага асосланади. Олимнинг таъкидлашича, ситуатив модель асосини қиёсланаётган тиллар синтактик структуралари ўртасидаги ўхшашлиқ ташкил қиласи: турли тилларнинг ядрорий структуралари ясама структуралардан кўра қўпроқ ўхшашлиқни ҳосил қиласи. Бинобарин, таржима вариантини танлаш жараёнида ядрорий ва ясама структураларнинг трансформациялари муҳим роль ўйнайди, таржима жараёни эса трансформациялар кетма-кетлиги сифатида талқин қилинади.

Таржиманинг семантик модели асосини оригинал матн релевант семаларининг сақланиши ва идентификацияси ташкил қилиб, умумий семаларнинг сони оригинал ва таржима матнларининг эквивалентлиги даражасини белгилайди. Шу боис, замонавий таржимашуносликда В.Н.Комиссаров таржима моделларининг уч турини ажратиб кўрсатади. Ҳар бир модель ўзининг график тасвирига эга бўлиб, таржима жараёни кечишини акс эттиради.

Юқоридаги таржима моделига оид барча маълумотлар рус таржимашуносларининг фикрлари таҳлили асосида олиб борилган бўлиб, мақоламизда Европа таржимашунос олимларининг ҳам қарашларига суюниши мақсад қилиб қўйдик. Европа таржимашунослиги таржиманинг қўплаб моделларини таклиф қиласи, улар қаторида етакчи ўринни Д.Жилнинг модели эгаллайди. Д.Жилнинг таржима модели қўйидаги қўринишга эга:




Д. Жилнинг таржима моделига изоҳлар:

- 1 – лисоний ва экстрависоний билимлар асоси;
- 2 – маълумотлар ва атамалар бўйича излаш;
- 3 – матн мазмуни ҳақида гипотеза;
- 4 – ҳаққонийликни аниқлаш бўйича тест;
- 5 – матнни тузиш;
- 6 – мувофиқлик, ҳаққонийлик, аниқликни аниқлаш бўйича тест;
- 7 - ҳаққонийлик, аниқликни аниқлаш бўйича тест;
- 8 – мувофиқликни аниқлаш бўйича тест.

Таржима назариясида яратилаётган замонавий моделлар аниқ таржима жараёни циклининг визуализациясига асосланмоқдалар. У.Кауцнинг илмий

тадқиқот ишида келтирилган С.Норднинг таржима модели барчага маълумдир. Бу модель қуйидаги схематик кўринишга эга:



С.Норднинг таржима моделига изоҳлар:

- 1 – оригинал матн вазияти;
- 2 – оригинал матн;
- 3 – оригинал матн таҳлили
- 4 – оригинал матн таржимаси учун муҳим бўлган элементлар;
- 5 – қайта яратиш;
- 6 – таржима матни синтези;
- 7 – таржима матни;
- 8 – таржима матни вазияти;
- 9 – таржима матни таҳлили;

Юқорида кўриб чиқкан таржиманинг икки модели Европа олимлари ва таржимашунослари орасида жуда машхур бўлиб, аксари таржимашунослар ушбу икки моделни тадқиқотларининг асоси сифатида оладилар.

Юқорида келтирилган таржима моделларидан ташқари таржима назариясида таржиманинг вазиятли-денотатив модели ҳам етук мутахассислар томонидан илгари суриласди.

Таржиманинг вазиятли-денотатив модели барча тил белгиларининг мазмуни предмет, воқеа, муносабатларда кўринишини назарда тутади. Тил белгиларида ўз аксини топган реал воқелик предметлари денотат деб аталади. Реал воқеликдаги вазият бу барча денотатлар ўртасидаги муносабатлардир.

Шу боис, нутқнинг ташкилий қисмлари ўзида реал воқеликдаги маълум бир вазиятни мужассам этади.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, вазиятли-денотатив модель таркибида ётувчи ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали баён этилиши мумкин, бу ўз навбатида шахснинг қайси тилда гаплашишига қарамасдан бизни ўраб турган борлиқнинг муштараклигини англатади. Бир хил воқеа-ҳодисалар турли тилларда турлича ифодаланишига қарамасдан, улар ҳаётда бир хил таъсир кучига эгадирлар.

Шу сабабдан, таржиманинг ушбу модели таржима жараёнини қўйидагича тасвирлайди. Оригинал матнни қабул қилиш босқичида таржимон, барча тил воситалари ва уларнинг ўзаро



муносабатлари таҳлилини олиб бориш билан бир қаторда ушбу тил воситалари қайси денотатларни билдиришини ва ушбу денотатларнинг умумлашмаси реал воқеликдаги қайси вазиятни акс эттиришини англатиб боради.

Таржимон онгода оригинал матнда тасвирланаётган вазият ҳақида тушунча ҳосил бўлганидан сўнг (реал воқеликни маълум бир кесимини тасвирловчи ўзига хос расм), у ушбу тасаввурни ўзга тил воситалари орқали баён этади.

Ушбу модель асосчилари И.И.Ревзин ва В.Ю. Ройзенцевтег таржима жараёнини қўйидагича тасвирлайдилар. Маълумотни жўнатувчи А, маълумотни қабул қилувчи Б ва таржимон Т. А, оригинал матн тилидан фойдаланган ҳолда Д реал воқеликдаги маълумотни С1 юборади. Таржимон оригинал матн тилидан фойдаланган ҳолда С1 ва Д1 орасида мутаносибликни ўрнатади, сўнг таржима қилинувчи тил воситалари ёрдамида худди шу вазиятни тасвирловчи С2 маълумотини яратади. С2 маълумоти маълумотни қабул қилувчи Б томонидан қабул қилинади. Ўз навбатида Б таржима тили воситалари ёрдамида С2 ва реал воқелик ўртасидаги мутаносибликни яратади.

Бошқача қилиб айтганда, маълум бир кетма-кетликда берилган маълумотни қабул қиласи ва ушбу кетма-кетликдан ўтиб вазиятни англайди, сўнг маълумотдан тўлиқ мавхумлашиб (яъни чекиниб), факатгина унга етказиб берилган вазиятдан келиб чиқсан ҳолда маълумотни қабул қилувчи шахсга етказиб беради.

Ушбу модель, тасвирланаётган вазият таянч ролини бажариб, таржима жараёни қандай воситалар билан берилишига қарамасдан муҳим характерга эга бўлган вазиятларда кенг қўлланилади ва таржима жараёнини адекват

тасвирлайди. Оригинал матнда тасвирланган вазиятни англаш орқали таржимон таржима тилида мавжуд бўлган факатгина шу вазият учун қўлланилиши лозим бўлган таржима усулини танлайди (Fragile – “Эҳтиёт бўлинг, ойна”, instant coffee – “Эрийдиган кофе”), ёки бир неча вариантлар ичида кенг тарқалган, умумқабул қилинган вариант мавжуд бўлса (Keep off the grass – “Газон устида юрманг”). Албатта таржиманинг ягона мақсади оригинал матнда тўлиқ ёки баъзи сабабларга кўра тўлиқ баён этилган вазиятни аниқ тасвирлаб беришдан иборат. Ушбу вазиятда таржимон ўз таржимасига масалани тўғри англаган ҳолда у ёки бу ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритади ва шу йўл билан тўлиқ адекват таржимага эришади.

Шу ўринда И.И.Ревзин ва В.Ю. Ройзенцевтегларнинг фикрлари ҳам қизиқ, ҳам шубҳали кўринади. Уларнинг фикрига кўра реал воқеликка билвосята мурожаат қилмаган ҳолда бир тилдаги маълумотни иккинчи бир тил воситалари орқали қайта яратиш аслида таржимадир ва ушбу ҳолат таржиманинг барча турларига хос бўлиб, синхрон таржимонлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бир матнни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида реал воқеликка мурожаат аксар ҳолларда бадиий адабиёт таржимасида сезилади. Шу ўринда юкоридаги фикрни такрорлаган ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай таржима жараёни қабул қилиш, таҳлил қилиш, оригинал матн мазмунини англаш босқичларини қамраб олади. Оригинал матн мазмунини англаш бу реал воқеликни, унинг ортида турган тил воситаларини идрок этишдир. Туб моҳияти тушуниб етилмаган матн таржима объекти бўлиб хизмат қила олмайди.

Адабиётлар

1. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода: Учебное пособие. – М.: ЧеРо; Юрайт, 2000. – 136 с.
2. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: Международные отношения, 1980. – 166 с.
3. Ревзин И.И., Розенцевтег В.Ю. Основы общего и машинного перевода. - М.: Высшая школа, 1964.-244 с.
4. Хомский Н. Язык и мышление.- М.: МГУ, 1972. – 122 с.



5. Gile D. Fidélité et littéralité dans la traduction: un modèle // Meta. – 1988. – 37/1. Pp.

Турдиева Н. Процесс создания моделей перевода как метод исследования в переводоведении. В данной статье рассматривается проблема моделирования процесса перевода которая выдвигается ведущими специалистами в области современного переводоведения.

Turdiyeva N. The process of creating models of translation as a research method in translatology. This article deals with actual problems in modern theory of translation such as modelling of the process of translation which is advanced by leading specialists of translatology.
